

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ЭРГАШЕВ ЭРКИН ИРОКОВИЧ

**МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ АСОСИДА
БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит,
08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2020 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Эргашев Эркин Ирокович

Молиявий таъминотни барқарорлаштириш асосида боғдорчилик ва узумчилик тармоғини ривожлантириш..... 3

Эргашев Эркин Ирокович

Развитие отрасли садоводства и виноградарства на основе устойчивого финансового обеспечения..... 27

Ergashev Erkin Irokovich

Development of the horticulture and viticulture branches based on sustainable financial support..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ЭРГАШЕВ ЭРКИН ИРОКОВИЧ

**МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ АСОСИДА
БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит,
08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2020 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.DSc/Iqt54. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Меҳмонов Султонали Умаралиевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонетлар: **Назарова Фотимахон Хақимовна**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Эгамбердиев Фармонқул Турсунқулович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Элмирзаев Самариддин Эшқувватович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури шох кўчаси, 60А-уй, Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; E-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури шох кўчаси, 60А-уй, Тел.: (99871) 234-53-34;

Диссертация автореферати 2020 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Б.Э.Ташмурадова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Қ.А.Чариев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ

(Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ривожланган хорижий мамлакатлар иқтисодиётида қишлоқ хўжалигини молиялаштириш масаласида турли хил мураккабликлар ва муаммоларга дуч келинмоқда. Иқтисодиётни глобаллашув жараёнида табиий-иқлим шароити ва омилларига боғлиқ равишда таваккалчилик асосида фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни молиявий ресурслар билан барқарор таъминлаш ва улардан самарали фойдаланиш орқали ривожлантириш дунё миқёсида долзарб муаммолар эканлигини ҳамда уларнинг илмий-назарий ва услубий-амалий ечимларини топиш объектив зарурат эканлигини эътироф этиш жоиздир. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияси таҳлили кўрсатишича, индустриал тараққий этган мамлакатларда давлат томонидан иқтисодий-молиявий механизм ва унсурлардан имтиёзли фойдаланишга асосланган самарали бошқариш тизими шакллантирилган. “Жаҳон иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда давлатнинг қишлоқ хўжалигига сарфлайдиган харажатларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 0,17 фоизни, ўрта даромадли мамлакатларда 0,62 фоизни ташкил этади. Жумладан, сотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қийматида давлат бюджети субсидияси, масалан, АҚШда 30 фоизни, Японияда 68, Канадада 41 ва Европа Иттифоқида эса 23 фоизга яқинни ташкил этади”¹. Хорижий мамлакатлар тажрибаси қишлоқ хўжалиги тармоғини молиялаштириш орқали тармоқ ишлаб чиқаришини ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон амалиётида кейинги йилларда давлат томонидан қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан ҳисобланган узумчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш муаммолари таркибида уларнинг молиявий таъминотини барқарорлаштириш борасида ҳам кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ривожланган мамлакатларда тармоқ хўжаликларини молиявий барқарорлигини таъминлашда имтиёзли кредитлар бериш ва давлат томонидан молиявий кўллаб-қувватлаш шакллари, тармоқ хўжаликларига берилган имтиёзли кредитлар фоиз ставкаси билан тижорат кредитлари фоиз ставкаси ўртасидаги фарқни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бонификациялаш, кафиллик амалиёти ҳамда субсидиялаш муаммолари тўлиқ ўз ечимини топмаган. Бироқ, таҳлиллар кўрсатишича, амалга оширилган тадқиқотларда иқтисодий ислохотларнинг ҳар бир босқичи шароити ва талабларига мос равишда давлат томонидан боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларини молиявий ресурслар билан барқарор таъминлаш механизмлари ва шакллари, шунингдек, уларнинг хўжаликлар фаолиятига таъсири, давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш ва кафиллик бериш тартиб-қоидалари, шартлари ва механизмини такомиллаштириш масалалари етарлича ҳал этилмаганлиги сабабли ҳам бу борадаги тадқиқотларни чуқурлаштириш зарурияти кун тартибидаги муҳим вазифага айланмоқда.

¹ Agricultural support. [http://data.oecd.org/agrpolicy/agricultura-support.htm# indicator-chart](http://data.oecd.org/agrpolicy/agricultura-support.htm#indicator-chart).

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва диверсификация қилиш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш каби стратегик вазифаларни ҳал этиш бугунги кунда тармоқни молиялаштириш тизимини тубдан ўзгартириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектларини молиявий барқарорлигини таъминлаш, мақсадли ва манзилли қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш йўналишларида янгича ёндашув ва чора-тадбирлар тизимини шакллантиришни тақозо қилмоқда. Бу талаб айниқса, бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида салмоқли ўрин эгаллаётган мева ва узум маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар фаолиятини кенгайтириш ва инновациялар жорий қилиш асосида ташкил қилиш ушбу маҳсулотлар самарадорлигини оширишда муҳим эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Шу жиҳатлардан ҳам, боғдорчилик ва узумчилик тармоқларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун, бизнингча, бевосита (субсидиялаш), билвосита (имтиёзли солиқ солиш ва бошқалар) ва воситачилар (қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаган соҳалар)дан таркиб топган яхлит тизим асосида давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватланиши устувор йўналишлар сифатида ўз навбатида молия ресурсларининг мақбул (оптимал) комбинацияларини татбиқ этиш асосида тармоқларнинг барқарор ривожланишига замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 17 октябрдаги ПҚ-3978-сон “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 ноябрдаги 940-сон “Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ҳамда 2018 йил 12 июлдаги 533-сон “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлар, шунингдек мазкур соҳага тегишли меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Қишлоқ хўжалигини молиявий таъминотни барқарорлаштириш асосида боғдорчилик, узумчилик тармоқларини ривожлантиришнинг назарий ҳамда услубий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетлари, жумладан: University of Tennessee Martin (АҚШ); South China Agricultural University (Хитой); Тель-Авив университети (Исроил); University of Hohenheim (Германия); Agriculture & Finance Consultants GmbH - (Германия); Seoul National University (Корея); Дон давлат аграр университети (Россия Федерацияси); Пенза давлат аграр университети (Россия Федерацияси); Воронеж давлат аграр университети (Россия Федерацияси); Кабардино-Балкария давлат аграр университети (Россия Федерацияси) томонидан олиб борилган.

Қишлоқ хўжалиги молиявий таъминотни барқарорлаштириш асосида боғдорчилик ва узумчилик тармоғини ривожлантириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар давомида қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан: қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг кафиллик ҳамда компенсациялаш усули мувофиқлаштирилган (University of Tennessee Martin –АҚШ); тармоқни ривожлантириш, агробизнес ва замонавий лойиҳаларни кредитлашнинг муқобил ҳамда рағбатлантирувчи усуллари ишлаб чиқилган (South China Agricultural University - Хитой); қишлоқ хўжалигини боғдорчилик ва узумчилик тармоғини молиявий таъминотини субсидиялаш алгоритми ишлаб чиқилган (Тель-Авив университети - Исроил); қишлоқ хўжалиги тармоқларини молиявий ресурслар билан барқарор таъминлаш модели ишлаб чиқилган (University of Hohenheim - Германия); боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган кредит кооперативларини ташкил этиш ва инновацион кластерларни молиялаштиришда бюджет маблағлари ҳисобидан бонификациялаш услуги такомиллаштирилган (Seoul National University - Корея); боғдорчилик ва узумчилик тармоғини бюджетдан молиялаштириш интеграл стандартлаш усули асосида такомиллаштирилган (Дон давлат аграр университети, Пенза давлат аграр университети - Россия); боғдорчилик ва узумчилик тармоғини молиялаштиришда мевали дарахтларни суғурталашнинг самарадорлиги баҳоланган (Кабардино-Балкария давлат аграр университети – Россия).

Жаҳонда қишлоқ хўжалигини молиявий барқарорлигини таъминлаш асосида ривожлантиришга қаратилган қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муқобил молиялаштириш манбаларини аниқлаш тамойилларини ишлаб чиқиш; қишлоқ хўжалигини бюджетдан молиялаштириш параметрларини прогнозлаш ва интеграл стандартларини жорий этишни такомиллаштириш; инновацион кластерларни рағбатлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларини аниқлаш; қишлоқ хўжалигида инновацияларни молиялаштиришни такомиллаштириш; тармоқда экспорт имкониятларини

² <https://www.ifrs.org>; <https://www.aicpa.org>; <https://www.pwc.com>; <https://www2.deloitte.com>; <https://home.kpmg/xx>; <https://www.nitrkl.ac.in>; <https://www.usf.edu>; <https://www.leeds.ac.uk>; <https://i2cner.kyushu-u.ac.jp>; <https://www.msu.ru>; www.unn.ru; <https://www.fa.ru>; <http://tsue.uz>; <http://www.sies.uz>; <http://www.tfi.uz>.

ошириш орқали молиявий барқарорлигини таъминлаш; тармоқда янги инновацион ресурс тежамкор технологияларни қўллашни молиялаштириш йўналишларини белгилаш; қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда истиқболли альтернатив молиявий манбалари самарадорлигини баҳолаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда молиявий барқарорлаштиришнинг илмий-назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш муаммолари хорижлик иқтисодчи-олимлардан Л.Цфу, Ц.Фан, Л.Чжоу, И.Санду, И.Ушачев, Е.Оглоблин, А.Данкевич, И.Буздалов, В.Баутин, М.Юнус, Б.Армендриз, Ж.Мордуч, М.Робинсон, Р.Кристен, Т.Лайман, Р.Розенберг, Д.Килгоур, А.Щепотьев, В.Пахомов, В.Сарайкин, Р.Гриб, Г.Поляк, В.Ковалев, В.Сенчагов, М.Пессель, С.Барулин, Т.Романова, А.Тарасов, Д.Макнотон, К.Пиплз, И.Петренко, П.Чужинларнинг³ илмий асарларида тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва тармоқни янада ривожлантиришга қаратилган механизмларнинг айрим назарий ва услубий-амалий жиҳатлари республикамиз иқтисодчи олим ва мутахассислари, жумладан, А.Вахабов, Д.Ғозибеков, А.Боймуратов, Э.Шодмонов, А.Авлиякулов, Р.Ҳусанов, С.Абдуллаев, Д.Таджибаева, Ш.Хақимов, Ж.Фаттахова, Д.Холмирзаевларнинг⁴ илмий изланишларида

³Л.Цфу, Ц.Фан, Л.Чжоу. Китайское чудо: экономическая реформа, стратегия развития. - М., 2001. -68 с; И.С.Санду. Производственные и научно-производственные системы - эффективная форма интеграции науки и производства. - М., 1990. -73 с.; И.Г.Ушачев. Научное обеспечение государственных программ развития сельского хозяйства России. - М., 2006. С-9.; Е.Оглоблин. Развитие научно-исследовательских институтов и их деятельность в условиях рыночной экономики. - М.: Наука. 2005. С-32.; А.Данкевич. Закономерности экономического развития (проблемы методологии). - М., Экономист. 2001. - №11. -75-80 с.; И.Н.Буздалов. Аграрная реформа в России (концепции, опыт, перспективы). - М., 2000. -325 с.; В.М.Баутин. Понятие "инновация" как экономическая категория. // Развитие инновационной деятельности в АПК: Материалы международной научно-практической конференции. - М.: -ФГНУ "Росинформагротех", 2003. -251-253 с; М.Yunus. Banker To The Poor: Micro-Lending and the Battle Against World Poverty. Public Affairs USA; 2003. Corr. 2nd edition. Ст.312; [B. Armendriz, J. Morduch](#). The Economics of Microfinance. The MIT Press. USA 2007. Ст. 360; M.Robinson. The Microfinance Revolution: Sustainable Finance for the Poor. World Bank publications, Washington 2001, D.C. 20433 USA. Ст.356; Р.Кристен., Т.Лайман., Р.Розенберг. Руководящие принципы регулирования и надзора в секторе микрофинансирования. КГОПБ/ Группа Всемирного Банка, 2003. - 46 с. Д.Килгоур. "От неформальной экономики к мелкому предпринимательству: роль микрокредита". Экономическая теория преступлений и наказаний. №2, 1999. с.5; Щепотьев А.В., Лужинская М.Б. Микрофинансирование и кредитная кооперация. Серия "Бизнес-школа тульского предпринимателя". Издательство ООО "АльтКом", Тула 2010. - 16 с; В.М.Пахомов, Сарайкин В.И. Роль региональных систем сельской кредитной кооперации в реализации ПНП "Развитие АПК"; Р.Б.Гриб. Развитие сектора микрофинансирования в Российской Федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Волгоград, 2012. -27 с. Поляк Г.Б. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Учебник. - М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 703 с.; Ковалев В.В. Финансы: Учебник. - М.:Финансы и статистика, 2010. - 296 с.; Сенчагов В.К. Финансы, денежное обращение и кредит. - М.: Инфра-М, 2004. - 702 с.; Пессель М.А. Эффективная деятельность кредитных организации - фактор системной устойчивости банковского сектора// Ж. Финансы и кредит. - М.: 2009. № 17. - С.32-43.; Барулин С.В. Финансы:Учебник. - М.:КНОРУС, 2017. - 640 с.; Романова Т.Ф. Финансовый механизм бюджетных учреждений: теория и методология. Монография. - М.:Финансы и статистика, 2002. - 255 с.; Тарасов А. Формирование регионального рынка зерна// Ж. Вопросы экономики. - М.: 1997. №8. - С. 145.; Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. В 2-х т. - Вашингтон: ИЭР Всемирного банка, 1994. - 324 с.; Пиплз К. Развитие системы сельскохозяйственного кредита в США: уроки для России// Ж. Вопросы экономики. - М.: 1997. №8. - С. 156.; Петренко И.Я., Чужин П.И. Экономика сельскохозяйственного производства. - Алма-Ата: Кайнар, 1992. - 560 с.

⁴А.В.Вахабов. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни. Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк-молия тизимининг ўрни. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент: Молия, 2009. - Б. 15-23.; Д.Ғозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Тошкент: Молия, 2003.; А.Д.Боймуратов. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тижорат

тадқиқ қилинган. Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги тармоқларини, жумладан, боғдорчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари аграр иқтисодчи олимлар, хусусан, А.Абдуғаниев, Б.Беркинов, А.Ғофуров, А.Жўраев, О.Жумаев, Ч.Муродов, Т.Фармонов, Ф.Қаюмов, Р.Хусанов, Қ.Чориев, Н.Хушматов, Т.Дадабоев, Ф.Назарова, Х.Хушвақтоваларнинг⁵ илмий ишларида аграр ислохотларнинг ҳар бир босқичи йўналишларига мос равишда ўрганилган.

Аммо, мазкур олимларнинг ишларида республикамизда боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини инновацион ривожлантиришни молия ресурслари билан барқарор таъминлашга қаратилган назарий ва илмий-услубий асосларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга самарали жорий қилиш билан боғлиқ муаммолар комплекс равишда тадқиқ қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси банк-молия академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ–20170928534 рақамли “Ўзбекистон экспортёр корхоналарининг ривожланиш эҳтиёжларини инновацион молиялаштириш механизмларини институционал мустаҳкамлаш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

банклари томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.н. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – БМА, 2008. –19 б.; Э.Ш.Шодмонов. Ўзбекистонда аграр ислохотларни чуқурлаштиришда банклар фаолигини оширишнинг асосий йўналишлари. И.ф.н. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – БМА, 2005. – 124 б.; А.А. Авлиякулов. Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шаклларидаги қишлоқ хўжалик корхоналарини кредитлаш механизмининг такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2001. – 135 б; Р.Х.Хусанов. Дехқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари. –Т.: “Чўлпон”. 200. – 103 б. С.Абдуллаевнинг умумий таҳрири остида. Хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаштириш. Т.: “Молия”. 2006. – 141 б; Д.А.Таджибаева Микрокредитоваеие в системе кредитных отношений (на примере Республики Узбекистан). Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Ташкент, 2001. –ст-25; Ш.Хакимов, Ж.Фаттахова. Развитие микрофинансирования в Узбекистане. ЦСЭИ. Рабочий доклад 2005/01. Ташкент 2005. с.35; Д.С.Холмирзаева. Аграр тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Тошкент, 2004.- 26 б.

⁵А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти // ТДИУ. –Тошкент, 2004. –Б.304; А.Абдуғаниев. Бозор муносабатларини жорий этишдаги муаммолар // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 1993. - №3. – Б.51-54; Б.Беркинов. Новые формы кооперации в АПК // Экономический вестник Узбекистана. –Ташкент, 1999. - №5. - С.24-27; А.Ғафуров. Организационно-экономические сокращения потерь плодоовощной продукции в новых условиях хозяйствования// Автореф. дис. канд. эконом. наук. -Ташкент, 1991. –с.23; А.Жўраев. Қишлоқ ва ижтимоий ҳаёт //Меҳнат. –Тошкент, 1992. –Б.134; О.Жумаев. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида мевасабзавотчилик мажмуида кооперативни ривожлантиришнинг иқтисодий асослари // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферати. – ЎзБИИТИ: Тошкент, 2004. –Б.22; Ч.Муродов. Қишлоқ хўжалигида эркинлаштиришнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -Тошкент, 2003. -№3. -Б.14-16; Т.Фармонов. Республикада дехқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш стратегияси //Ўзбекистон аграр иқтисодчи олимлар анжумани (форуми) илмий мақолалар тўплами. –Тошкент, 2001. –Б.31-35; Ф.К.Қаюмов. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку //Полигран. -Москва, 1992. -14с; Р.Х.Хусанов. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы //Узбекистан. - Тошкент, 1994. –с.72; К.А.Чариев. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку //Фан. -Тошкент, 1992. –с.182; Н.С.Хушматов, Т.Дадабоев. Республикамизда боғдорчилик соҳасида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий хусусиятлари // Илмий-амалий муаммолар бюллетени. –Тошкент: ЎзБИИТИ, 2006. -№2. –Б.4-6; Х.С.Хушвақтова. Турли мулкчилик шакллари шароитида мевасабзавотчилик ва узумчиликдаги интеграция ҳолати //Республика илмий-амалий конференция маърузалар тўплами. – Тошкент, 2004. -Б.60-61.

Тадқиқотнинг мақсади молиявий таъминотни барқарорлаштириш асосида боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш;

молиявий таъминотни барқарорлаштириш борасидаги хорижий давлатлар тажрибаларини таҳлил қилиш ва улардан республикамизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш жараёнларида фойдаланиш имкониятларини баҳолаш;

боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги ҳолатини баҳолаш ва яхшилаш истиқболларини белгилаш;

молиявий таъминот даражасини барқарорлаштириш асосида боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини инновацион ривожлантириш бўйича ривожланган мамлакатларда самарали фаолият юритиб келаётган кооператив ва агрокластерлар тажрибаларини ўрганиш ва улардан республикамиз шароитида фойдаланишнинг устувор йўналишлари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини инновацион ривожлантириш ва уларни ҳудудлар табиий-иқлим шароитлари ва омилларига мос жойлаштириш чора-тадбирларида “бизнес-университет-илмий тадқиқот-давлат” занжири буғин (субъект)ларининг ўзаро иқтисодий муносабатлар тизими доирасидаги ҳамкорлик фаолиятларини молиялаштириш ресурслари ва манбаларини асослаш;

мева ва узум маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятларини баҳолаш ва барқарор молиялаштириш орқали боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган амалий таклифлар тайёрлаш;

мамлакатимизда боғдорчилик ва узумчилик тармоқларининг молиявий таъминотини барқарорлаштириш механизм ва йўналишлари тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида, республикамизнинг боғдорчилик ва узумчилик тармоқлари ҳамда мева ва узум етиштирувчи хўжаликлар, улар фаолияти билан боғлиқ тегишли корхона ва ташкилотлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети боғдорчилик ва узумчилик тармоқлари, соҳа маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар ҳамда улар фаолияти билан боғлиқ турли корхона ва ташкилотлар ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда иқтисодий, эконометрик ва киёсий таҳлил, иқтисодий-математик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини тизимли ривожланишида тармоқ хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи субъектларни таркибан ўз ичига

олувчи қишлоқ хўжалиги кооперативларини молиялаштиришни кафиллик ҳамда улушли пай усули ишлаб чиқилган;

боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларини экспорт ҳажмини ошириш ҳамда мева ва узум етиштирувчи хўжаликлар фаолиятини молиялаш тизимида субсидиялаш методини жорий этиш муҳимлиги асосланган;

интенсив боғ ва токзорлар ташкил этиш лойиҳаларини кредитлашга асосий қарз маблағларига нисбатан имтиёзли давр белгилаш усулини киритиш асосида молиялаштириш такомиллаштирилган;

ҳудудлардаги мавжуд рентабеллик даражаси паст ерлардан самарали фойдаланишда кам сув истеъмол сарфига эга серҳосил ва юкори даромад келтирувчи кўчат навларини жойлаштириш ва маҳсулот етиштириш орқали хўжаликнинг молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш асосланган;

иктисодий-математик аппаратдан фойдаланиш асосида мева ва узум маҳсулотлари етиштириш ва ҳосилдорлиги бўйича тренд тенгламаларини аниқлаш орқали стратегик прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дунё миқёсида иқтисодий глобаллашув жараёни ва бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида молиявий таъминот тизимини барқарорлаштиришнинг жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини ҳал этишдаги роли ва аҳамияти таҳлиллар натижасида ёритиб берилган;

республикамизда мева ва узум маҳсулотлари етиштиришда ушбу тармоқлар хўжаликлари фаолиятининг таъсир даражаси дисперсион ва корреляция-регрессия усулларини қўллаш асосида олинган таҳлил натижалари орқали аниқланган;

сифатли, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган мева ва узум маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш имкониятларини молиявий таъминотни барқарорлаштириш орқали таъминлаш йўллари ва истиқбол прогноз параметрлари ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулотларини етиштириш жараёнларида ресурс тежамкор технологияларни қўллаш, уларни молиялаштириш манбаларини кўпайтириш бўйича таклифлар берилган;

мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси таҳлил қилинган, уларни истеъмолчиларга етказиш билан боғлиқ жараёнлардаги мавжуд муаммолар аниқланган, жумладан, савдо-сотик тизимининг ҳудудлар ва тармоқлар иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли баҳоланган;

қишлоқ хўжалигида кластер асосида ташкил этиладиган янги боғ, токзор ва иссиқхоналарни молиялаштириш, улардан ҳосил олгунга қадар (турига қараб) жалб қилинган асосий қарз маблағларига нисбатан имтиёзли давр белгилаш, суғурталаш турларини кенгайтириш ва жорий этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

республика қишлоқ хўжалиги тармоқларида янгидан шакллантириладиган инновацион агрокластерларда “бизнес-университет-илмий тадқиқот-давлат” занжиридаги субъект (бўғин)ларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва узвийлигини

таъминлаш, уларни агротижоратлаштириш амалиёти орқали молиявий барқарорлаштириш усуллари ишлаб чиқилган;

тренд тенгламаларни ишлаб чиқиш ва қўллаш орқали мева ва узум экинлари ҳосилдорлиги ва маҳсулотларини етиштириш даражаларининг истиқбол прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

мамлакатимиз худудидаги бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилмаган лалми ерларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида кам сув истеъмол сарфига эга серҳосил боғ ва узум кўчатлари экиладиган ер майдонларини кенгайтириш, янгидан ташкил этиладиган хўжалик юритиш субъектларини ихтисослаштириш ва диверсификация қилиш асосида ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иқтисодчи олимларнинг ушбу мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий, танқидий ва ижодий таҳлили, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларининг илмий асосланган йўналишларини ўрганиш, улардан мақсадли ва манзилли фойдаланиш, расмий статистик маълумотлар таҳлили натижаларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти келгусида қишлоқ хўжалигини молиявий барқарорлигини таъминлаш, молия ресурслари ва манбаларидан самарали фойдаланиш бўйича келгусида олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларининг истиқболли мавзу ва йўналишларини асослашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, биринчидан, ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектларни молия ресурслари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлар тизимини яратиш ва такомиллаштириш, иккинчидан, боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини комплекс ривожлантиришга қаратилган мақсадли ва манзилли давлат дастурлари ва инвестицион лойиҳалар тайёрлашда фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Молиявий таъминотини барқарорлаштириш асосида боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини тизимли ривожланишида тармоқ хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи субъектларни таркибан ўз ичига олувчи қишлоқ хўжалиги кооперативларини молиялаштиришни кафиллик ҳамда улушли пай усулини жорий этиш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сон Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги №02/022-2-1586-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида боғдорчилик ва узумчилик тармоқларининг

ривожланишида тижорат банклари томонидан кредитлашда кафиллик амалиёти жорий этилган;

боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларини экспорт ҳажмини ошириш ҳамда мева ва узум етиштирувчи хўжаликлар фаолиятини молиялаш тизимида субсидиялаш методини жорий этиш муҳимлиги бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4337-сон Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги №02/022-2-1586-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан самарали фойдаланиш натижасида Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 13,6 фоизга ортган;

интенсив боғ ва токзорлар ташкил этиш лойиҳаларини кредитлашга асосий қарз маблағларига нисбатан имтиёзли давр белгилаш усулини киритиш асосида молиялаштириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сон Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги №02/022-2-1586-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши интенсив боғ ва токзорлар ташкил этиш лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этадиган тижорат банкларига кредитлар ажратишда муддатли имтиёзли давр белгилашга хизмат қилган;

ҳудудлардаги мавжуд рентабеллик даражаси паст ерлардан самарали фойдаланишда кам сув истеъмол сарфига эга серҳосил ва юқори даромад келтирувчи кўчат навларини жойлаштириш ва маҳсулот етиштириш орқали хўжаликнинг молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш бўйича таклиф Самарқанд туманидаги фермер хўжаликларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги №02/022-2-1586-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида “Аъзам Азамат” фермер хўжалигида экилган мевадан ҳар бир гектар лалми ердан ўртача 15,7 млн.сўм даромад олишга эришилган;

иқтисодий-математик аппаратдан фойдаланиш асосида мева ва узум маҳсулотлари етиштириш ва ҳосилдорлиги бўйича тренд тенгламаларини аниқлаш орқали стратегик прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилганлиги бўйича таклиф Қишлоқ хўжалиги вазирлигида прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги №02/022-2-1586-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Республикада 2020-2030 йилларда асосий турдаги мева ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ва ҳосилдорлигини аниқлаш бўйича прогноз кўрсаткичларни ишлаб чиқишга замин яратган, ҳамда мева ва узум маҳсулотлари етиштиришни ва ҳосилдорлигини чизикли тенглама, кўп ҳадли тенглама, кўрсаткичли тенгламалар кўринишида аниқлаш, ўртача мутлоқ хатолик энг кичик

қийматини баҳолаш орқали оптимал тенгламани аниқлаш ва у орқали стратегик прогноз кўрсаткичлари қийматини топиш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 38 та республика ва 10 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 70 та илмий иш, жумладан, 3 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола, шундан, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 182 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объектлари ва предмети белгиланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ҳамда диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши ва тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

“Молиявий таъминотни барқарорлаштириш асосида қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари” деб номланган биринчи бобда молиявий таъминотни барқарорлаштириш асосида қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришнинг илмий-назарий, ташкилий, ҳуқуқий асослари, тармоқнинг республика иқтисодиётидаги ўрни, ўзига хос хусусиятлари, тармоқни барқарор ва инновацион ривожлантиришнинг хориж тажрибаси ҳамда улардан самарали фойдаланиш йўллари назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Жаҳон иқтисодиётидаги ҳозирги кескин рақобат ва молиявий-иқтисодий глобаллашув шароитида молиявий таъминотни барқарорлаштириш масаласи муҳим эканлиги, унинг ечимига бўлган талабнинг ортиб бориши кузатилмоқда. Шу боисдан, қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва ривожлантиришда нафақат миллий, балки халқаро молия институтларининг молиявий манбаларини жалб қилиш орқали барқарор молиявий таъминот тизимини шакллантириш ва унинг таъсирчанлигини ошириш йўллари аниқлаш, шу жумладан, улардан қишлоқ хўжалигининг муҳим таркибий тармоқлари сифатида боғдорчилик ва узумчилик соҳаларини янада ривожлантириш лозимлиги таъкидланган.

Диссертацияда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоқларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш орқали қўллаб-қувватлаш механизмнинг роли ва аҳамияти, шунингдек, унинг боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини барқарор ривожлантиришга таъсир этиш йўналишларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Республика ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бўлган молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисидаги 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон қарорини таъкидлаш ўринли ҳисобланади. Унга мувофиқ:

қишлоқ ва маҳаллаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш;

энг кам иш ҳақининг 150 бараваридан 1000 бараваригача миқдорда кредитлар бериш ва уларнинг фоиз ставкаси йиллик 7 % миқдорида белгиланган;

микрокредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилиши назарда тутилган;

энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан ортиқ миқдорда йиллик 7 фоиз ставкада имтиёзли кредит ажратилиши белгиланган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида мева ва узум маҳсулотлари улушининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда, яъни 2008 йилда уларнинг салмоғи 11 фоизга тенг бўлиб, бу кўрсаткич 2019 йилда 12,5 фоизни, яъни шу 11 йил ичида ўсиш суръати 113,6 фоизни ташкил этган. Шу билан бирга, аҳоли жон бошига етиштирилган мева ва узум маҳсулотлари таққосланаётган йиллар бўйича мос равишда 51,4 кг.дан 82,0 кг.га (1,6 марта) ҳамда 29,0 кг.дан 47,7 кг.га (1,6 мартага яқин) ортган.

Республикаимизда кейинги йиллар мобайнида мева ва узум маҳсулотларининг ялпи ҳосили динамик тарзда ўсиш тенденцияси юз бермоқда, мева маҳсулотлари ялпи ҳосили, масалан, 2019 йилда 2008 йилга нисбатан 196,2 фоизга ортган, бўлса, узум маҳсулотлари ялпи ҳосили ва ҳосилдорлик деярли 2 баробарга ўсиши кузатилган (1-жадвал).

Маълумки, тараққий этган кўплаб хорижий давлатларда боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини барқарор ва инновацион ривожлантириш, интенсив боғ ва узумзорлар яратиш, экологик тоза мева ва узум етиштириш ҳамда уларнинг молиявий таъминотини барқарорлаштириш йўналишларида илғор тажрибалар тўпланган. Улардан республикаимизнинг боғдорчилик ва узумчилик соҳаларида оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этишини эътироф этиш лозим.

Шу жиҳатдан, тадқиқот ишида хорижий тажрибалар таҳлиliga, жумладан, Корея Республикасидаги мавжуд агрокластерлар фаолиятини ўрганишга асосий эътибор қаратилди. Эътиборли томони шундаки, масалан, Чунгдо хурмо кластери (Chungdo Persimmon Cluster) 2009 йилда бевосита айнан фермерлар

ташаббуси билан ташкил этилган ва бу кластер ушбу ҳудудда Кореядаги уруғсиз хурмонинг 65% ини етиштиришни таъминлаган.

1-жадвал

Республикада мева ва узум майдони, ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги кўрсаткичларининг ўзгариш суръати (барча тоифадаги хўжаликлар)⁶

Йиллар	Мева				Узум			
	Барча ёшдагилари, м.га	шу жумладан, ҳосил берадиган ёшдагилари, м.га	Йиғилган ялпи ҳосил, жами, м.тонна	Ҳосилдорлиги, ц/га	Барча ёшдагилари, м.га	шу жумладан, ҳосил берадиган ёшдагилари, м.га	Йиғилган ялпи ҳосил, жами, м.тонна	Ҳосилдорлиги, ц/га
2008 й.	214,9	170,1	1402,7	82,5	125,4	103,3	792,5	77,4
2009 й.	226,1	176,9	1521,0	87,2	125,5	105,6	900,5	85,2
2010 й.	235,3	184,8	1676,3	92,6	127,9	108,7	979,3	90,8
2011 й.	244,3	193,1	1820,6	97,3	127,1	111,5	1072,1	97,8
2012 й.	250,9	196,0	1981,7	104,7	126,9	111,1	1179,9	108,6
2013 й.	254,6	201,3	2143,9	112,3	127,8	113,8	1294,0	116,1
2014 й.	261,9	214,6	2306,5	116,0	128,9	119,4	1397,0	120,7
2015 й.	266,4	214,3	2467,9	128,1	128,3	118,7	1518,2	133,1
2016 й.	279,6	226,2	2612,9	134,5	131,2	122,0	1613,1	142,3
2017 й.	271,6	221,0	2614,9	118,3	114,5	103,6	1625,5	157,0
2018 й.	319,2	222,5	2706,2	121,6	113,3	100,9	1589,8	157,5
2019 й.	336,5	232,2	2752,7	118,5	120,2	104,4	1603,3	153,5

Диссертациянинг “**Молиявий таъминотни барқарорлаштириш асосида боғдорчилик ва узумчилик тармоғи ривожланишининг тенденциялари ҳолати**” деб номланган иккинчи бобида биринчи навбатда боғдорчилик ва узумчилик соҳалари молиявий таъминотини барқарорлаштириш, уларни интенсив ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар таснифи, классификацияси ва улардан фойдаланиш жараёнларини молия ресурслари билан таъминлашнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил этишга кенг ўрин берилди.

Республикада мева маҳсулотлари етиштириш асосан фермер ва деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади (2-жадвал).

Шуни эътиборга олган ҳолда, мазкур хўжалик юритувчи субъектларининг мева маҳсулотлари етиштириш ва уларни истеъмолчиларга етказиш тизимидаги ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш мақсадида юқоридаги жадваллардаги тегишли маълумотлар асосида эконометрик модел матрицаси тузилди ва унинг ечимлари орқали якуний натижалар олинди. Унга кўра республикада мева етиштиришни натижавий кўрсаткич сифатида эконометрик моделда “Y” билан белгиланди ва функцияга таъсир этувчи омиллар сифатида X₁-фермер хўжаликлари, X₂-деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлар, X₃-қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар қабул қилинди.

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, R-квадрат бу корреляция коэффиценти бўлиб, у омиллар ўртасидаги боғланиш зичлигини кўрсатади, яъни, фермер хўжалиги, деҳқон (шахсий ёрдамчи хўжаликлари) ва қишлоқ

⁶ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари фойдаланилган.

хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ўртасидаги боғланиш зичлиги бошқа шарт-шароитлар ўзгармас бўлган ҳолатда $R=0,995718$ га тенг эканлиги аниқланган.

2-жадвал

2008-2019 йилларда республикадаги хўжалик юритиш шакллари кесимида мева етиштириш динамикаси⁷

Йиллар	Жами хўжаликлар бўйича (м.т.)	Ўтган йилга нисбатан ўзгариши фоизда	Фермер хўжаликлари (м.т.)	Ўтган йилга нисбатан ўзгариши фоизда	Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари (м.т.)	Ўтган йилга нисбатан ўзгариши фоизда	Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар (м.т.)	Ўтган йилга нисбатан ўзгариши фоизда
2008 й	1402,7	-	648,7	-	732,6	-	21,3	-
2009 й	1521,0	108,43	737,9	113,75	762,3	104,05	20,70	97,18
2010 й	1676,3	110,21	816,4	110,64	841,3	110,36	18,60	89,86
2011 й	1820,6	108,61	876,3	107,34	912,6	108,47	31,70	170,43
2012 й	1981,7	108,85	946,8	108,05	1009,4	110,61	25,50	80,44
2013 й	2143,9	108,18	1009,9	106,66	1104,7	109,44	29,30	114,90
2014 й	2306,5	107,58	1004,6	99,48	1250,9	113,23	50,90	173,72
2015 й	2467,9	107,00	1031,8	102,71	1379,5	110,28	56,50	111,00
2016 й	2612,9	105,88	1017,1	98,58	1539,7	111,61	56,00	99,12
2017 й	2614,9	100,08	963,2	94,70	1604,0	104,18	47,60	85,00
2018 й	2706,2	103,49	1037,0	107,66	1619,5	100,97	49,70	104,41
2019 й	2752,7	101,72	1072,6	103,43	1603,2	98,99	76,80	154,53

Бу кўрсаткич омиллар ўртасида кучли боғланиш бор эканлигини кўрсатади. Ушбу омиллар ўртасидаги корреляцион-регрессион боғлиқлик модели натижалари орқали аниқланган эконометрик моделни қўллаш ёрдамида қўйидаги регрессия тенгламаси ишлаб чиқилди, яъни:

$$Y = 2,821 + 0,4259X_1 + 0,5372X_2 + 0,009X_3$$

$$R^2 = 0,995718$$

Демак, қўлланилган моделлар ва аниқланган тенглама ёрдамида бошқа хўжалик маълумотлари ўзгармас бўлган ҳолда олинган натижалардан кўриниб турибдики, тармоқдаги фермер хўжаликларининг 1 % га ўсиши барча тоифадаги тармоқ хўжаликларнинг 0,42 % га, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг 1% га ўсиши эса мос равишда 0,53 % га ўсишига, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг 1% га ўсиши барча тоифадаги тармоқ хўжаликларининг 0,01% га олиб келар экан.

Ҳисобланган $R^2 = 0,995718$; $F_{\text{ҳисоб}} = 542,62 > F_{\text{жадвал}} = 1,92$ мезонлар қонуниятининг кўп омилли кўрсаткичлар мажмуи орқали ҳаққоний ва ишончли ифодаланганлигини кўрсатади.

Амалга оширилган моделлаштириш ҳисоб-китоблари натижалари асосида 2008-2019 йилларда республикада мева ва узум етиштириш кўрсаткичларини акс эттирувчи тренд тенгламалари ишлаб чиқилди (4-жадвал).

⁷ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари фойдаланилган.

**Омиллар ўртасидаги корреляцион-регрессион боғлиқлик модели
дисперсион таҳлил натижалари⁸**

	Барча тоифадаги хўжаликлар	Фермер хўжаликлари	Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	Қишлоқ хўжалиги фаолияти ни амалга оширувчи ташкilot лар		
Y	1					
X ₁	0,6288486	1				
X ₂	0,6821032	-0,1265823	1			
X ₃	0,0150256	-0,1387343	0,017795	1		
Регрессион статистика						
Кўп миқдорли R			0,997856878			
R-квадрат			0,995718349			
Меъёрий R-квадрат			0,993883356			
Стандарт хатолик			0,253444461			
Кузатишлар сони			11			
Дисперсион таҳлил						
	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	<i>Муҳимлилик F</i>	
Регрессия	3	104,57	34,85821	542,6278	1,19E-10	
Қолдиқ	7	0,4496	0,064234			
Жами	10	105,02				
	Коэффиц иентлар	Стандарт хатолик	t-статис тика	P- Қиймати	Қуйи 95%	Юқори 95%
Y-кесишиш	2,82189	2,5812	1,093229	0,130481	-3,28178	8,92556
Фермер хўжаликлари						
	0,425913	0,0145	29,44853	1,34	0,391714	0,46011
Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари						
	0,537277	0,0173	31,04728	9,29	0,496358	0,5782
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкilotлар						
	0,009954	0,0024	4,168068	0,004199	0,004307	0,0156


Демак, 4-жадвалда келтирилган мева ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳосилдорлик кўрсаткичларига асосан республикада боғдорчилик ва узумчилик тармоқлари текис тезланувчан ривожланиш тенденциясига мослигини эътироф этиш лозим. Шу нуқтаи назардан тадқиқот ишида республикада мева ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича тренд тенгламалари аниқланиб, улардан фойдаланган ҳолда экстраполяция қилиш усули орқали уларнинг 2030 йилгача бўлган прогноз параметрлари аниқланди (1-расм).

Унга мувофиқ, 2020-2030 йиллар мобайнида мева ва узум ишлаб чиқариш ҳажми мутаносиб равишда ортганлигини кўраимиз.

⁸ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан мустақил бажарилган.

Республикада 2008-2019 йиллар бўйича мева - узум етиштириш ҳамда ҳосилдорлиги бўйича тренд тенгламалари⁹

Ривожланиш йўналишлари	Тренд тенгламалари	Ўртача мутлоқ хатолик	R ²
Мева маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари тренд тенгламалари			
1. Чизиқли тенглама	$\hat{Y}_t=131,71X+1311,1$	0,0600	0,9766
2. Кўп ҳадли тенглама	$\hat{Y}_t=-5,408X^2+202,02X+1147,1$	0,0210	0,9919
3. Кўрсаткичли тенглама	$\hat{Y}_t=1272,9X^{0,3049}$	3,6170	0,9582
Мева маҳсулотлари ҳосилдорлиги бўйича тренд тенгламалари			
1. Чизиқли тенглама	$\hat{Y}_t=4,0049X+83,435$	0,0018	0,7621
2. Кўп ҳадли тенглама	$\hat{Y}_t=-0,5486X^2+11,136X+66,795$	0,0035	0,8955
3. Кўрсаткичли тенглама	$\hat{Y}_t=78,613X^{0,1922}$	0,1864	0,8643
Узум маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари тренд тенгламалари			
1. Чизиқли тенглама	$\hat{Y}_t=82,059X+763,72$	6,5035	0,9410
2. Кўп ҳадли тенглама	$\hat{Y}_t=-5,3564X^2+151,69X+601,24$	0,0133	0,9784
3. Кўрсаткичли тенглама	$\hat{Y}_t=730,38X^{0,328}$	2,4940	0,9579
Узум маҳсулотлари ҳосилдорлиги бўйича тренд тенгламалари			
1. Чизиқли тенглама	$\hat{Y}_t=7,8734X+68,823$	0,0010	0,9759
2. Кўп ҳадли тенглама	$\hat{Y}_t=-0,091X^2+9,0559X+66,064$	0,0018	0,9771
3. Кўрсаткичли тенглама	$\hat{Y}_t=68,94X^{0,3162}$	0,3930	0,9272



1-расм. Республикада 2020-2030 йиллар бўйича мева ва узум маҳсулотлари етиштириш бўйича олинган асосий прогноз кўрсаткичлари¹⁰

Диссертациянинг учинчи боби “Боғдорчилик ва узумчилик тармоғи ривожланишида бозор тамойилларига мос ташкилий - иқтисодий асосларни шакллантириш” деб номланган бўлиб, унда боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамкорлигида

⁹ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

кооператив шакл ва муносабатларини молиялаштириш ва ривожлантириш ҳамда кластерлар фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги № ПҚ-3777-сон қарорига кўра “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиявий ресурслар билан таъминлаш, оилавий қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан қўшимча равишда 100 млн доллар эквивалентидаги маблағлар қуйидаги банклар томонидан ажратилиши белгиланди, яъни: “Агробанк” АТБга - 40 млн доллар эквивалентида; “Халқ банки”га - 30 млн доллар эквивалентида; “Микрокредитбанк” АТБга - 30 млн доллар эквивалентида.

Республикада узумчилик тармоғини ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ вазифалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 21 декабрдаги №143-сон йиғилиш баёнига асосан АТ “Асака” банки зиммасига юклатилган. Шунга мувофиқ мазкур банк томонидан ўтган йилларда 169,1 млрд. сўмлик 648 та лойиҳалар молиялаштирилди (2-расм).

Мазкур лойиҳаларнинг молиялаштирилиши ҳисобига 40 га яқин қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олинди, 19 минг тонна сифимга эга музлаткичлар ташкил қилинди, 2 000 гектарга яқин янги узум боғ майдонлари барпо этилди ва 900 гектарга яқин эски узум боғ майдонлари реконструкция қилинди.



2-расм. Ҳудудлар кесимида АТ “Асака” банки томонидан узумчиликни ривожлантириш бўйича молиялаштирилган лойиҳалар сони¹¹

Узумчиликка ихтисослашган агрофирмалар ташкил этилди ва 10 мингдан ортиқ фермер хўжалиқларининг ҳисоб рақамлари АТ “Асака” банк филиалларида очилди. Уларга қулайликлар яратиш мақсадида бугунги кунда республикаимиз туманларида банкнинг 42 та мини-банклари фаолият

¹¹ www.asakabank.uz – маълумотларидан олинган.

кўрсатмоқда. Республикада 8,0 минг гектар янги узумзорлар барпо қилиниб, ушбу лойиҳаларнинг умумий суммаси 75,1 млрд. сўмни ташкил этди. Шунингдек, 2,2 минг гектар узумзор реконструкция қилиниб, лойиҳа суммаси 6,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга узумчилик тармоғини янада барқарор молиялаштиришга қаратилган имтиёзли кредитлар таклиф этмоқда, жумладан:

янги узумзорларни барпо этиш ҳамда яроқсизларини реконструкция қилишга 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга кредитлар;

агрофирмаларга қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган узумни сотиб олиш учун айланма маблағларини тўлдиришга 6 ойлик имтиёзли давр билан 1,5 йилгача муддатга;

узумчилик соҳасига доир узоқ муддатли кредитлар ажратиш (соҳага доир техника ва технологиялар сотиб олиш) учун 2 йиллик имтиёзли давр билан 5 йилгача муддатга берилиши таклиф қилинган.

Ҳозирда Европа Иттифоқи мамлакатларида мева ва узум маҳсулотларининг 85 фоизи, Японияда 80, АҚШда 30 фоизи қайта ишлаш корхоналари билан кооперация асосида бирлашган фермер хўжаликлари томонидан етиштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 14 мартда қабул қилган ПҚ-4239-сон қарори ташкилий-иқтисодий ва таркибий ислохотларнинг айнан шу бўшлиғини тўлдириш, иқтисодий муносабатларни қўшилган қиймат яратиш занжири субъектларининг кооперация асосида амалга оширадиган жараёнларида манфаатдорликни ҳис этиш асосида ривожлантириш, молиявий ресурслар манбаини кенгайтириш ва улардан мақсадли, самарали фойдаланиш каби йўналишлардаги муаммоларни ҳал этиш борасида янги, энг муҳими истиқболли босқичга замин яратганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Тадқиқот ишининг **“Молиявий таъминотни барқарорлаштириш асосида боғдорчилик ва узумчилик тармоғини ривожлантириш истиқболлари”** деб номланган тўртинчи бобида истиқболда боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини барқарор ривожлантириш, мева ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш,, “пак хоуз”(pack house) ларни барпо этиш орқали сифатли маҳсулотларни экспорт салоҳиятини янада ошириш ҳамда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, масалаларига асосий эътибор қаратилган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, 2019 йилда мамлакатимиз бўйича жами 1207,7 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди. Айни пайтда республика ҳудудларида 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт қилинмоқда.


Мамлакатимизда кейинги 10 йиллик даврда мева ва узум маҳсулотлари экспорти ҳажми ва ундан келаётган хорижий валюталар ҳисобидаги даромадлар ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Масалан, 2018 йилда ушбу

маҳсулотлар экспорт ҳажми 517,8 млн. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда 2008 йилга нисбатан 2 баробарга ошган.

Тадқиқот ишида республика миқёсида мева ва узум маҳсулотларини экспорт қилиш билан боғлиқ тегишли маълумотлар базаси ва эконометрик усуллардан фойдаланган ҳолда 2030 йилгача республикада боғдорчилик ва узумчилик тармоқлари маҳсулотлари экспортидан хорижий валюталарда тушадиган жами даромад ҳажмини аниқлаш учун қуйидаги тренд тенграмаси ишлаб чиқилди.

$$Y=75186*\ln(x)+427493$$

Унга асосан олинган натижаларга кўра, тармоқ маҳсулотлари экспортидан келадиган даромадлар ҳажми 2020 йилда 620341,3 минг АҚШ доллар, 2021 йилда 625913,2 минг АҚШ доллар, 2022 йилда 631100,5 минг АҚШ доллар, 2023 йилда 635952,9 минг АҚШ доллар, 2024 йилда 640511 минг АҚШ доллар, 2025 йилда 644808,5 минг АҚШ доллар ва сўнгги 2030 йилда 659986,4 минг АҚШ доллар даражасида прогноз қилинган (3-расм).



3-расм. Республикада 2020-2030 йилларда боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари экспортидан тушадиган даромад ҳажми прогнози¹²

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш манбалари ва инвестиция ресурсларини аниқлаш, улардан мақсадли ва манзилли ҳамда самарали фойдаланиш муҳим ҳисобланиб, таҳлилларнинг кўрсатишича, бу чора-тадбирлар бугунги кунда таркибан қуйидаги манбалардан шакллантириш мумкин, яъни:

мева ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчиларнинг ўз маблағлари;

тижорат банклари ва жамғармаларнинг имтиёзли кредитлари;

ички ва хорижий инвестициялар;

давлат дотациялари ва субсидиялари;

халқаро ва хорижий молиявий ташкилотларнинг кредитлари;

хусусий шахслар маблағлари;

¹² Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

грантлар ва техник кўмаклар.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини молиялаш манба ва ресурсларини шакллантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишга, улардан республикамиздаги мева ва узум маҳсулотлари етиштирувчи, уларга турли хизматлар кўрсатувчи инфратузилма субъектлари фаолиятида қўллаш йўлларига оид услубий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишга ҳам етарлича эътибор қаратилди. Жумладан, Буюк Британияда олиб борилаётган кредит сиёсатида ҳар бир банк ўзига хос кредитлаш тизимини яратган ва унга кўра молиялаштиришнинг иккита дастури амал қилади, яъни:

биринчи дастур доирасида кредит миқдори 5 йил муддатга 5 мингдан 100 минг фунт стерлингача берилади. Бунда эътиборли жиҳати шундаки, банк ўзи берган кредит суммасидан эмас, балки фермернинг йиллик айланма маблағидан йилига 10-17 фоиз олади;

иккинчи дастурга кўра техника воситаларини, кичик қайта ишлаш цехларини ва махсус ускуна-жиҳозларни харид қилиш учун 2 йилдан 20 йилгача муддатга 5 мингдан 500 минг фунт стерлингача бўлган миқдорда кредит берилади. Фоиз ставкаси Англия Банкининг амалдаги ставкасига мувофиқ ёки банкнинг ўзи томонидан белгиланади.

Германия ва Францияда тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига берилган имтиёзли кредитларнинг фоиз ставкаси билан кредитларнинг фоиз ставкаси ўртасидаги фарқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бонификация қилинади, яъни субсидияланади ва унинг суммаси тўғридан-тўғри тижорат банкига ташлаб берилади.

Боғдорчилик ва узумчилик соҳалари тарихан узок давр мобайнида иқтисодиётнинг муҳим негизи бўлиб ҳисобланган Кабардино-Балқария Республикасида мазкур тармоқларнинг инновацион ривожланишини таъминлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлиги томонидан “Тоғ ва тоғ олди ҳудудларда боғ ва токзорларни барпо этишни рағбатлантириш” Дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастурга мувофиқ тоғ ва тоғ олди ҳудудларда паст бўйли боғ ва токзорларни барпо этиш ҳамда уларни молия ресурслари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари белгиланган ва улар аксарият ҳолларда давлат томонидан мувофиқлаштирилади ва назорат қилинади.

Умуман олганда, тадқиқот жараёнида барқарор молиявий таъминот тизимини шакллантириш, молиялаштириш манба ва ресурсларини кўпайтириш, улардан мақсадли ва манзилли дастурлар доирасида самарали фойдаланиш, кооперация шакл ва муносабатларини жорий этиш, хорижий илғор тажрибаларни амалиётда қўллаш каби йўналишларда ишлаб чиқилган хулоса, илмий таклиф ва амалий тавсиялар республикамизда боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини интенсив ривожлантиришга муайян даражада хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

ХУЛОСАЛАР

Диссертация ишида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий хулосалар чиқарилди:

1. Қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва агрокластерлар таркибий субъектлари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятида қўшилган қийматни кўпайтиришни рағбатлантириш, ундан молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланиш ва тижорат банклари томонидан кредитлаш тизимида кафилик тақдим этиш амалиётини кенгайтириш лозим.

2. Мева ва узум маҳсулотлари етиштирувчи, уларни истеъмолчиларга тайёр озиқ-овқат товарлари сифатида етказиш жараён ва босқичларида иштирок этувчи субъектлар ўртасида “қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш - қайта ишлаш- сотиш” занжири доирасида интеграция ва кооперация муносабатларини ташкил этиш ва ривожлантириш, ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатлар узвийлигини таъминлаш асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектларнинг молиявий даромадларини барқарор оширишга қаратилиши лозим.

3. Республикамизда экологик тоза мева ва узум маҳсулотларини етиштириш, уларнинг сифатлилиқ ва товарлилиқ даражасининг юқори бўлиши пировардида экспорт салоҳиятини ошириш, экспортёр хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг молиявий таъминотини барқарорлаштириш ва фаолиятини рағбатлантириш бир қаторда маҳсулотларни экспортга тайёрлаш, хорижий бозорларни ўрганиш ва ишончли ҳаридорлар топиш, хорижий кўргазма ва ярмаркаларда қатнашиш, экспорт шартномаларини тузиш, маҳсулотлар учун сертификат ва лицензиялар олиш, уларнинг логистикасини ташкил қилиш ва божхона расмийлаштируви бўйича тадбиркорларга амалий билим ва кўникмалар бериш чора-тадбирларини оммалаштириш мақсадга мувофиқ.

4. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Жаҳон савдо ташкилоти фаолиятининг кенгайиши шароитида мамлакатимизда боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини инновацион ривожлантириш, мева ва узум етиштириш самарадорлигини ошириш муаммоларини истиқболли ҳал этиш учун ички ва ташқи бозорларни мукамал ўрганиш жараёнини ташкил этишда маркетинг хизматларини диверсификациялаш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, келгусида халқаро даражада миллий платформаларни ташкил этиш орқали нафақат ички бозорда, балки ташқи бозор сегментларида ҳам сифатли, истеъмолчилар талабларига жавоб берадиган мева ва узум маҳсулотларини сотиш ҳажмини кўпайтириш ва географиясини кенгайтиришни йўлга қўйиш лозим.

5. Қишлоқ хўжалиги тармоқларида, шу жумладан, боғдорчилик ва узумчилик соҳаларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, экинларни парваришда инновацион ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш ва уларни молиявий рағбатлантириш мақсадида давлат томонидан фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига, шунингдек, уларга ушбу технологик жараёнда хизматлар кўрсатувчи субъектларга мақсадли кредит ресурсларини

йўналтириш мавжуд эски боғларни янгилаш, кам ҳосилли боғ ва узумзорларни ҳосилдор кўчатлар билан алмаштириш, янги боғлар яратиш ва бунда янги технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилиши мақсадга мувофиқ.

6. Дунё амалиётида ўзининг самарали ва истиқболли эканлигини исботлаган агрокластерларни тармоқлар хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ташкил этиш, ривожлантириш билан боғлиқ тажрибаларни республикамиз қишлоқ хўжалигида жорий этиш чора-тадбирларини янада жадаллаштириш давр талаби ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, бу борада, фикримизча, Корея Республикасининг (Chungdo Persimmon Cluster) агрокластерида кенг ва самарали йўлга қўйилган “бизнес-университет-илмий тадқиқот-давлат” занжиридаги субъектларнинг биргаликдаги фаолиятларида илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи бўғинлар ташкил қилиш ва уларни тижоратлаштириш тажрибаларини қўллаш хўжаликларни молия ресурслари билан барқарор таъминлаш имкониятларини янада кенгайтиради. Бу эса бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан илм ва фан соҳасини қўллаб-қувватлаш, инновацион илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга тезкор жорий этиш борасидаги янги, истиқболли сиёсатига мос келишини эътироф этиш лозим.

7. Маълумки, ҳозирги шароитда мамлакатимиздаги аксарият лалмикор ерлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш айланмаси (обороти)га жалб этилмаган. Шу боисдан ҳам, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса мева ва узум маҳсулотлари етиштириш соҳасидаги мавжуд улкан захиралардан фойдаланилмай келинмоқда. Бинобарин, бу захирадан фойдаланиш даражасини ошириш, ушбу ҳудудларда кўп самара берадиган маҳсулотлари етиштириш, жумладан, кам сув истеъмол сарфига эга боғ ва узумзорлар майдонларини кенгайтириш, инновацион технологиялар ва ишланмаларни қўллаш орқали экологик тоза мева ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқаришга чуқур ихтисослашган хўжаликлар, шунингдек, улар таъсисчилигида вертикал ва горизонтал типдаги кооператив ва агрокластерлар ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ. Ушбу устувор вазифаларни ҳал этишда, бизнингча, молиявий таъминот тизимида бошланғич 1-2 йиллик даврда имтиёзли механизмлар жорий қилиш, жумладан, манзилли субсидиялар ажратиш ва суғурталаш масалаларига давлат даражасида эътибор қаратиш республикамиз боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини барқарор ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

8. Бугунги кунда, айниқса истиқболда, мева ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун малакали ва тўлақонли ахборот-маслаҳат хизматини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ташкил этиладиган ахборот-консалтинг хизмати марказлари қуйидаги йўналишлар бўйича тўлақонли ва малакали хизмат кўрсатиши лозим:

ихтисослашган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳамда бошқа манфаатдор субъектларни уларнинг фаолиятларига мос ва рақобатлар шароитида муҳим бўлган илмий-технологик янгиликлар, бозор конъюнктураси, товар ва хизматлар бозори тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш;

бухгалтерия хизматларини кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоботлари ва бизнес-режа тузиш юзасидан маслаҳатлар бериш;

янги инвестицион лойиҳалар устида ишлаш, тайёрлаш ва улар юзасидан техник-иқтисодий асосномалар тайёрлашда кўмаклашиш ва тавсиялар бериш;

кооперация шакл ва муносабатларини ташкил қилиш, аъзоларнинг таъсис ҳужжатларини ва кредит олишлари учун зарур бўлган ҳужжатлар йиғмажилдини тайёрлашда маслаҳатлар бериш, кўмаклашиш ва ш.к. бошқа хизматлар кўрсатиш.

Дастлабки ташкил қилинган пайтда бундай ахборот-консалтинг марказлари фаолиятини самарали ва кенг қамровли ташкил этиш учун улар тўлалигича давлат бюджети томонидан молиялаштирилиши мақсадга мувофиқ.

9. Молиявий барқарорликни таъминлашда ҳозирги даврда исломий адолат ва талаб мезон-меъёрларига асосланган молиялаштириш механизмлари бутун дунёда ривожланиш тенденциясига эга молиявий таъминот тизимига айланаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Шу исломий молиялаштиришга асосланган банклар, инвестиция жамғармалари ва компанияларнинг маблағларини Ўзбекистон миллий банклари тизимига халқаро стандартларга мувофиқ шериклик асосида жалб этиш республикани иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, реал сектор тармоқларини молия ресурслари билан барқарор таъминлаш жиҳатлардан муҳим аҳамиятга эга.

10. Таҳлилларнинг кўрсатишича, бугунги кунда қайта ишлаш корхоналари томонидан белгиланаётган нархлар мева ва узум маҳсулотлари етиштиришга сарфланаётган харажатларни қоплай олмаяпти. Шунинг учун ҳам, бу тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва молиявий рағбатлантириш тизимини икки йўналишда амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз, яъни:

биринчи йўналиш - муайян ишлаб чиқариш йилида ички ва ташқи бозорда юзага келган товарлар конъюнктурасининг таркибий ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарувчиларга мақсадга мувофиқ деб топилган маҳсулот бўйича кўриладиган зарарнинг олдини олиш ёки уни қоплаш учун давлат томонидан дотациялар бериш;

иккинчи йўналиш-бозорда харид нархлари ўта пасайиб кетган вазиятларда қайта ишлаш корхоналари, шунингдек, воситачилар томонидан ишлаб чиқариш субъектларидан сотиб олинadиган маҳсулот турларига мос минимал харид нархи чегараларини белгилаш ва бошқалар.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
№DSc.03/30.12.2019.I.17.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ ИНСТИТУТЕ**

**БАНКОВСКО-ФИНАНСОВАЯ АКАДЕМИЯ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

ЭРГАШЕВ ЭРКИН ИРОКОВИЧ

**РАЗВИТИЕ ОТРАСЛИ САДОВОДСТВА И ВИНОГРАДАРСТВА НА
ОСНОВЕ УСТОЙЧИВОГО ФИНАНСОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ**

**08.00.07 – Финансы, денежное обращение и кредит
08.00.04 – Экономика сельского хозяйства**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (Doctor of Science)**

город Ташкент – 2020 год

Тема докторской диссертации (Doctor of Science) зарегистрирована под номером B2017.3.DSc/Iqt115 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трёх языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tfi.uz) и информационно-образовательном портале “Ziyonet” (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	Мехмонов Султонали Умаралиевич доктор экономических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Назарова Фотимахон Хакимовна доктор экономических наук, профессор Эгамбердиев Фармонкул Турсункулович доктор экономических наук, профессор Элмирзаев Самариддин Эшқувватович доктор экономических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский государственный экономический университет

Защита диссертации состоится “___” _____ 2020 года в ___ часов на заседании Разового Научного совета на основе Научного совета № DSc.03/30.12.2019.I.17.01 при Ташкентском финансовом институте по адресу: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; E-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (зарегистрировано под номером ___). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 60А. (99871) 234-53-34.

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2020 года (протокол реестра №___ от “___” _____ 2020 года).

Б.Э.Ташмурадова

Председатель Разового научного совета на основе Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор экономических наук, профессор

Н.Н.Каландарова

Учёный секретарь Разового научного совета на основе Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии по экономическим наукам (PhD)

К.А.Чариев

Заместитель председателя Разового научного совета на основе Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация (DSc) докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В экономике развитых стран мира в вопросе финансирования сельского хозяйства возникают различные проблемы и трудности. Необходимо признать, что в процессе глобализации экономики устойчивое обеспечение финансовыми ресурсами производителей сельскохозяйственной продукции, деятельность которых связана с риском и зависит от природно-климатических условий и факторов, и их развитие за счёт эффективного использования средств является актуальной проблемой в условиях глобальной пандемии COVID-19, а поиск научно-теоретических, методологических и практических решений данной проблемы считается объективной необходимостью. Как показывает анализ тенденций развития мировой экономики, в индустриально развитых странах со стороны государства сформирована эффективная система управления, основанная на льготном использовании экономических, финансовых механизмов и рычагов. “В странах, являющихся членами Всемирной Организации экономического сотрудничества и развития, доля государственных расходов на сельское хозяйство в валовом внутреннем продукте составляет 0,17 процентов, а в странах со средним уровнем дохода - 0,62 процента. В частности, государственные субсидии в структуре стоимости реализованной сельскохозяйственной продукции, например, в США составляют 30 процентов, в Японии - 68 процентов, в Канаде - 41 процент и в Евросоюзе - около 23 процентов”¹³. Опыт зарубежных стран показывает необходимость развития производства отрасли посредством финансирования отрасли сельского хозяйства.

В мировой практике за последние годы в составе проблем по развитию государством таких важных отраслей сельского хозяйства, как виноградарство и садоводство, ведутся широкомасштабные научные исследования по их устойчивому финансовому обеспечению. В частности, в развитых странах ещё не полностью решены проблемы предоставления льготных кредитов для обеспечения финансовой устойчивости хозяйств данной отрасли, форм финансовой поддержки со стороны государства, бонификации разницы между процентной ставкой по льготным кредитам и процентной ставкой по коммерческим кредитам за счёт средств государственного бюджета, практики выдачи гарантий и субсидий. Однако анализ литературы показывает, что по причине недостаточного уровня решения вопросов соответствия механизмов и форм устойчивого финансового обеспечения государством отрасли садоводства и виноградарства условиям и требованиям каждого этапа экономических реформ, а также их влияния на деятельность хозяйств, совершенствование условий, порядка и механизма выдачи субсидий и гарантий из государственного бюджета, необходимость углубления исследований в этой области становится важной задачей сегодняшней повестки дня.

¹³ Agricultural support. [http://data.oecd.org/agrpolicy/agricultura-support.htm# indicator-chart](http://data.oecd.org/agrpolicy/agricultura-support.htm#indicator-chart).

Решение таких стратегических задач, как модернизация и диверсификация сельского хозяйства в Узбекистане, увеличение экспортного потенциала требуют формирования новой системы мер и подходов в направлениях коренного изменения системы финансирования отрасли, обеспечения финансовой устойчивости хозяйствующих субъектов – производителей сельскохозяйственной продукции, адресной и целевой поддержки и повышения их материальной заинтересованности. Следует особо отметить, что данное требование имеет важное значение при расширении и организации на основе внедрения инноваций деятельности хозяйств, специализирующихся на выращивании фруктов и виноградной продукции, которые на сегодняшний день играют значительную роль в экспорте сельскохозяйственной продукции нашей страны, при повышении эффективности данной продукции. В этой связи, для обеспечения финансовой устойчивости отраслей садоводства и виноградарства, по нашему мнению, приоритетными направлениями являются оказание поддержки на основе единой системы, состоящей из прямой (субсидирование), косвенной (льготное налогообложение и др.) государственной адресной поддержки и через посредников (сферы, не связанные с сельскохозяйственным производством), что создаст основу для устойчивого развития отраслей посредством внедрения оптимальных комбинаций финансовых ресурсов.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, изложенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5388 “О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодоовощеводства в Республике Узбекистан” от 29 марта 2018 года, Постановлениях Президента № ПП-4549 “О дополнительных мерах по дальнейшему развитию плодоовощеводства и виноградарства, созданию в отрасли цепочки добавленной стоимости” от 11 декабря 2019 года, № ПП-4246 “О мерах по дальнейшему развитию садоводства и тепличного хозяйства в Республике Узбекистан” от 20 марта 2019 года, № ПП-3978 “О дополнительных мерах по повышению эффективности продвижения плодоовощной продукции на внешние рынки” от 17 октября 2018 года, Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 940 “Об организации деятельности Агентства по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения” от 21 ноября 2018 года и № 533 “Об утверждении положения фонда государственной поддержки сельского хозяйства при Министерстве финансов Республики Узбекистан” от 12 июля 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. “Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹⁴.

Исследования, связанные с устойчивым финансовым обеспечением сельского хозяйства и совершенствованием теоретических и методологических основ развития садоводства и виноградарства, проведены ведущими научными центрами и университетами мира, в том числе: University of Tennessee Martin (США); South China Agricultural University (Китай); Тель-Авивский университет (Израиль); University of Hohenheim (Германия); Agriculture & Finance Consultants GmbH (Германия); Seoul National University (Корея); Донской государственный аграрный университет (Российская Федерация); Пензенский государственный аграрный университет (Российская Федерация); Воронежский государственный аграрный университет (Российская Федерация); Кабардино-Болгарский государственный аграрный университет (Российская Федерация).

В ходе научных исследований по развитию отрасли садоводства и виноградарства на основе устойчивого финансового обеспечения сельского хозяйства были достигнуты следующие научные результаты, в частности: разработана практика предоставления гарантий и метод компенсирования при финансировании сельского хозяйства (University of Tennessee Martin-США); в развитии отрасли обосновано установление льготного периода при кредитовании современных проектов и агробизнеса (South China Agricultural University - Китай); обоснована необходимость введения субсидирования в финансовое обеспечение создания высокоурожайных и устойчивых к различным условиям сортов в садоводстве и виноградарстве (Тель-Авивский университет - Израиль); разработана методология устойчивого обеспечения финансовыми ресурсами отраслей сельского хозяйства (University of Hohenheim-Германия); предложено создание кредитных кооперативов, специализирующихся на садоводстве и виноградарстве, и при финансировании инновационных кластеров бонификации за счет бюджетных средств (Seoul National University-Корея); обосновано применение метода интегральной стандартизации при бюджетном финансировании отрасли садоводства и виноградарства (Донской государственный аграрный университет, Пензенский государственный аграрный университет-Россия); обоснована важность практики страхования плодовых деревьев при финансировании отрасли садоводства и виноградарства (Кабардино-Болгарский государственный аграрный университет-Россия).

Исследования, направленные на развитие сельского хозяйства посредством обеспечения финансовой устойчивости, ведутся в мире по следующим направлениям, в частности: определение принципов выявления альтернативных источников финансирования в развитии сельского хозяйства; совершенствование прогнозирования параметров бюджетного финансирования сельского хозяйства и внедрения интегральных стандартов; стимулирование инновационных кластеров и определение приоритетных направлений их

¹⁴ <https://www.ifrs.org>; <https://www.aicpa.org>; <https://www.pwc.com>; <https://www2.deloitte.com>; <https://home.kpmg/xx>; <https://www.nitrkl.ac.in>; <https://www.usf.edu>; <https://www.leeds.ac.uk>; <https://i2cner.kyushu-u.ac.jp>; <https://www.msu.ru>; www.unn.ru; <https://www.fa.ru>; <http://tsue.uz>; <http://www.sies.uz>; <http://www.tfi.uz>.

финансовой поддержки; выявление проблем финансирования инноваций в сельском хозяйстве; совершенствование финансирования инноваций в сельском хозяйстве; обеспечение финансовой стабильности в отрасли за счёт повышения экспортных возможностей; определение приоритетных направлений финансирования применения новых инновационных ресурсосберегающих технологий в отрасли; выявление перспективных альтернативных источников финансирования в развитии отраслей сельского хозяйства.

Степень изученности проблемы. Проблемы социально-экономического развития отраслей сельского хозяйства и совершенствования научно-теоретических и методологических основ их финансовой устойчивости исследованы в научных работах таких зарубежных учёных-экономистов, как Л.Цфу, Ц.Фан, Л.Чжоу, И.Санду, И.Ушачев, Е.Оглоблин, А.Данкевич, И.Буздалов, В.Баутин, М.Юнус, Б.Армендриз, Дж. Мордуч, М. Робинсон, Р. Кристен, Т. Лайман, Р.Розенберг, Д.Килгоур, А.Щепотьев, В.Пахомов, В.Сарайкин, Р.Гриб, Г.Поляк, В.Ковалев, В.Сенчагов, М.Пессель, С.Барулин, Т.Романова, А.Тарасов, Д.Макнотон, К.Пиплз, И.Петренко, П.Чужин¹⁵.

Некоторые теоретические, методологические и практические аспекты механизмов обеспечения финансовой устойчивости сельского хозяйства и дальнейшего развития отрасли изучены в работах учёных-экономистов и специалистов нашей республики, в частности в научных исследованиях А.Вахабова, Д.Гозибекова, А.Боймуратова, Э.Шодмонова, А.Авлиякулова,

¹⁵Л.Цфу, Ц.Фан, Л.Чжоу. Китайское чудо: экономическая реформа, стратегия развития. - М., 2001. -68 с; И.С.Санду. Производственные и научно-производственные системы - эффективная форма интеграции науки и производства. - М., 1990. -73 с.; И.Г.Ушачев. Научное обеспечение государственных программ развития сельского хозяйства России. - М., 2006. С-9.; Е.Оглоблин. Развитие научно-исследовательских институтов и их деятельность в условиях рыночной экономики. - М.: Наука. 2005. С-32.; А.Данкевич. Закономерности экономического развития (проблемы методологии). - М., Экономист. 2001. - №11. -75-80 с.; И.Н.Буздалов Аграрная реформа в России (концепции, опыт, перспективы). - М., 2000. -325 с.; В.М.Баутин. понятие "инновация" как экономическая категория. // Развитие инновационной деятельности в АПК: Материалы международной научно-практической конференции. - М.: -ФГНУ "Росинформагротех", 2003. -251-253 с; М.Yunus. Banker To The Poor: Micro-Lending and the Battle Against World Poverty. Public Affairs USA; 2003. Corr. 2nd edition. Ст.312; В. Armendriz, J. Morduch. The Economics of Microfinance. The MIT Press. USA 2007. Ст. 360; М.Robinson. The Microfinance Revolution: Sustainable Finance for the Poor. World Bank publications, Washington 2001, D.C. 20433 USA. Ст.356; Р.Кристен., Т.Лайман., Р.Розенберг. Руководящие принципы регулирования и надзора в секторе микрофинансирования. КГОПБ/ Группа Всемирного Банка, 2003. - 46 с. Д.Килгоур. "От неформальной экономики к мелкому предпринимательству: роль микрокредита". Экономическая теория преступлений и наказаний. №2, 1999. с.5; Щепотьев А.В., Лужинская М.Б. Микрофинансирование и кредитная кооперация. Серия "Бизнес-школа тульского предпринимателя". Издательство ООО "АльтКом", Тула 2010. - 16 с; В.М.Пахомов, Сарайкин В.И. Роль региональных систем сельской кредитной кооперации в реализации ПНП "Развитие АПК"; Р.Б.Гриб. Развитие сектора микрофинансирования в Российской Федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Волгоград, 2012. -27 с. Поляк Г.Б. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Учебник. - М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 703 с.; Ковалев В.В. Финансы: Учебник. - М.:Финансы и статистика, 2010. - 296 с.; Сенчагов В.К. Финансы, денежное обращение и кредит. - М.: Инфра-М, 2004. - 702 с.; Пессель М.А. Эффективная деятельность кредитных организации - фактор системной устойчивости банковского сектора// Ж. Финансы и кредит. - М.: 2009. № 17. - С.32-43.; Барулин С.В. Финансы:Учебник. - М.:КНОРУС, 2017. - 640 с.; Романова Т.Ф. Финансовый механизм бюджетных учреждений: теория и методология. Монография. - М.:Финансы и статистика, 2002. - 255 с.; Тарасов А. Формирование регионального рынка зерна// Ж. Вопросы экономики. - М.: 1997. №8. - С. 145.; Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. В 2-х т. - Вашингтон: ИЭР Всемирного банка, 1994. - 324 с.; Пиплз К. Развитие системы сельскохозяйственного кредита в США: уроки для России// Ж. Вопросы экономики. - М.: 1997. №8. - С. 156.; Петренко И.Я., Чужин П.И. Экономика сельскохозяйственного производства. - Алма-Ата: Кайнар, 1992. - 560 с.

Р.Хусанова, С.Абдуллаева, Д.Таджибаевой, Ш.Хакимова, Ю.Фаттаховой, Д.Холмирзаевой¹⁶. Также организационно-экономические проблемы развития отраслей сельского хозяйства, в том числе садоводства и виноградарства, изучены аграрными учёными-экономистами в соответствии с направлениями каждого этапа аграрных реформ, в частности, в научных работах А.Абдуганиева, Б.Беркинова, А.Гафурова, А.Жураева, О.Жумаева, Ч.Муродова, Т.Фармонова, Ф.Каюмова, Р.Хусанова, К.Чориева, Н.Хушматова, Т.Дадабоева, Ф.Назаровой, Х.Хушвактова¹⁷.

